

“Вақф” фонди раҳбарияти акция доирасида 39 талабага контракт пулини тўлаб берди



10:36 / 15.10.2018 2487

Ўзбекистон мусулмонлари идораси тасарруфидаги «Вақф» хайрия фонди «Илм йўлида кўмак берамиз» акциясида идора тасарруфидаги таълим муассасаларида таҳсил олувчи 39 нафар намунали ва иқтидорли талабаларнинг тўлов-контракт пулларини тўлаб берди. Бу ҳақда Тugon 24 хабар берди.

Ўзбекистон мусулмонлари идорасида мазкур акциянинг биринчи босқичига бағишланган тадбир бўлиб ўтди.

Тадбирда Қуръони каримни тўлиқ ёдлаган 15 нафар талабага энг кам иш ҳақининг 10 бараваригача пул мукофотлари ва китоблар берилди.

Фонд вакилининг айтишича, «Масжид ва мадрасалар учун китоб» акцияси доирасида Ўзбекистоннинг 9 вилоятидаги 306 масжид жами қиймати 367 миллион сўмлик 13 мингдан зиёд диний-маърифий мазмундаги адабиётлар билан ҳам таъминланган.

Islom.uz портали таҳририяти